

ИНСОН КАПИТАЛИ, ИЛМИЙ, ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ПОТЕНЦИАЛИ ВА УНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШДАГИ ЎРНИ

Рахимов Фархад Хушбақович –
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги,
“Инновацион технологияларни ва илм-фанни ривожлантириш”
бўлими бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор
Усмонов Ботир Шукруллаевич –
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат
вазир ўринбосари, техника фанлари номзоди

Аннотация: Мақолада таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, умуммиллий бойликнинг ажралмас қисми бўлган инсон капитали мазмун-моҳияти ва унинг ривожини ёритилган. Бунда ёшларнинг таълим-тарбия жараёнларига қамраб олиниши, узлуксиз таълим тизимида малакали меҳнат ресурсларининг, фан тармоқлари бўйича илмий, илмий-педагогик кадрларнинг ҳудудлар кесимида шаклланиши таҳлил қилинган. Шунингдек, жамиятда интеграцияни кучайтириш, инновацион муҳитни яратиш, миллий узлуксиз таълим-тарбия тизимида инсон капиталининг ривожини, инновацион тафаккурни янги босқичга қўтариши билан иқтисодиётни юксалтиришга хизмат қилувчи миллий инновацион тизим(МИТ)ни жамоавий уйғунлашувда шакллантириш асосланган.

Калим сўзлар: интеграция, инновация, ҳамкорлик, соҳа, таълим, фан, ишлаб чиқариш, инсон капитали, ҳудуд, тафаккур, тизим.

Аннотация: В статье обсуждаются реформы системы образования, сущность человеческого капитала как неотделимой части общенационального богатства и его развития. При этом, анализирован охват молодежи процессом воспитания и образования, формирование квалифицированных трудовых ресурсов, научных, научно-педагогических кадров по научным направлениям в разрезе регионов. Также, обоснован рост экономики путём повышения интеграции, создания инновационной среды в обществе, развития человеческого капитала в непрерывной национальной воспитательно-образовательной системе, подъёма инновационного мышления в новые рубежи формированием национальной инновационной системы (НИС).

Ключевые слова: интеграция, инновация, сотрудничество, отрасль, образование, наука, производство, человеческий капитал, регион, мышление, система.

Abstract: The article discusses the reforms of the education system, the essence of human capital as an inseparable part of the national wealth and its development. Coverage of youth in the process of education and training, the formation of qualified labor resources, scientific, scientific and pedagogical personnel in scientific areas in the context of regions is analyzed. Also, economic growth is justified by increasing integration, creating an innovative environment in society, the development of human capital in the continuous national educational system, the rise of innovative thinking to new frontiers by the formation of the national innovation system (NIS).

Key words: integration, innovation, cooperation, industry, education, science, production, human capital, region, thinking, system.

Глобаллашув шароитида янгиланиш ва юксалишлар ҳар бир соҳада интерациялашув, инновацион тафаккурни ва уларга асосланган жамоавий уйғунлашув ҳамда инновацион муҳитни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда “... Энг муҳим вазифа – халқимиз онгида инновацион тафаккурни шакллантириш. Инновациялар бўлмаган жойда ривожланиш ва рақобат ҳам бўлмайди...”.

Жамоавий уйғунлашув бу ижтимоий ва иқтисодий секторлар соҳаларида интеграциялашув билан билимлар концентрациялашувига эришиш, оригинал ихтироларнинг ворисийлик асосида намоён бўлишига ҳамда “илм орқали билим” тамойили қонуниятига кўра ривожланиб, инновация даражасига қўтарилишига шарт-шароит яратишдир.

Бугунги кун, ҳаётини босқичлари инновация – билимларнинг тугал концентрациялашган интеграциялашувига, муаммонинг теран аңланиши туфайли пайдо бўлган ғоядан бошланувчи илмий-тадқиқот, соҳа илмий-техник кадрларининг фаол ҳамкорлиги маҳсули, янгиланишга асосланган тўкин ва фаровон ҳаёт, ижтимоий ва иқтисодий юксалишларни таъминловчи омил, яъни бозорда ўз ўрнини топган ихтиро эканлигини исботлади.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислохотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш асосида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш борасида

соҳалар кесимида барча ҳудудларда кенг қўлланми ислоҳотлар олиб борилмоқда. Миллий кадрлар тайёрлашга алоҳида урғу берилаётганлиги “Биз таълим ва тарбия тизими-нинг барча бўғинлари фаолиятини бугун-ги замон талаблари асосида такомиллаш-тиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз” деб айтилган сўзларда ҳам мужассамлашган [1].

Сўнги йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш суръати ўсди (ЯИМ ўсиш суръати 2018 йилда яна 5,1 фоизга ўсди, умуман олганда 2010-2018 йилларда ЯИМ 1,8

баробарга ошди), 2019 йилнинг 9 ойлиги ҳолатида 22 та эркин иқтисодий зона, 156 та кичик саноат зоналарнинг ташкил этилиши ҳудудларнинг иқтисодий ўзгаришларига ижобий таъсир кўрсатди. Минтақада дунёнинг етакчи мамлакатлари олий таълим муассасаларининг филиаллари сони ортди, ушбу жараёнлар билан боғлиқ технополос, технопарк, кластер каби тушунчалар турмуш тарзимизга кириб улгурди [2].

Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича умумий квоталар сезиларли даражада ўсди 1-расм.



1-расм. Олий таълим муассасалари учун қабул квотаси

Миллий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли таълимнинг кутилаётган давомийлик муддати 1990 йилда 13,7 йилни ташкил этган бўлса [3], бу кўрсаткич 2017 йилда 12,0 йилга ташкил этган [4]. Охириги йиллардаги ислоҳотлар натижасида бу кўрсаткич ошди. Дунёнинг иқтисодиёт даражаси энг ривожланган мамлакатлари учун кутилаётган таълим давомийлиги 15,9 йилни ташкил қилади.

Сўнги икки, уч йилда умуммиллий бойликнинг ажралмас қисми ҳисобланган инсон капитали ривожига эътибор кучайди. Ижтимоий ҳимоя, инсон саломатлиги, оилавий муносабатларни яхшилаш, маҳалла институтлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда таълим-тарбия тизимидаги туб бурилишлар шулар жумласидандир.

Иқтисодиёт фани инсонларнинг меҳнат фаолиятидаги иштирокини характерловчи қатор тушунчалар билан бойиди: иш кучи, меҳнат ресурслари, инсон ресурслари, инсон капитали, меҳнат потенциали ва ҳ.к. Улардан инсон капитали тушунчаси анча кенг маъно касб этади – бу иқтисодиётни, жамиятни ва унинг бошланғич ячейкаси оилани интенсив

ривожлантирувчи, меҳнат ресурсларининг билимли қисми, ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида интеллектуал бошқариш қобилиятига эга бўлган асосий кучдир. Инсон капитали – бу инсонда жамланган қобилият, малака ва мақсадлар заҳираси бўлиб, ҳар қандай мамлакат ва давлат иқтисодиётининг жаҳон бозорида рақобатдордошлигини таъминловчи, давлат бошқаруви, қонунчилик ва ижро органлари фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи омилдир [5,6].

Ҳар қандай давлат ва жамиятда инсон капиталининг шаклланиши она қорнида индивиднинг соғлом ривожланиши, унинг туғилиши, одам, инсон ва шахс даражасида камол топиши каби жуда кўп омиллар таъсиридаги мураккаб жараёнларини қамраб олади. Тинчлик-осойишталик, она ва бола саломатлигига йўналтирилган кучли давлат ижтимоий ҳимоя сиёсати, оиладаги соғлом муҳит, аҳолининг мактабгача таълим, мактаб ва бошқа таълим турларини ўзида мужассамлаштирган узлуксиз таълим-тарбия тизим билан қамраб олиниши ва уларнинг сифат ва самарадорлиги шулар жумласидандир.

**2018/2019 ўқув йилида Республика ёшларининг таълим муассасалари ва олий таълимдан
кейинги таълим институтларидаги сони***

Худуд	Жами	шундан							
		мактабгача таълим	мактаб	академик лицей	КХ таълими	Олий таълим		Олий таълимдан кейинги таълим	
						бакалавр	магистр	DSc	PhD
Ўзбекистон Республикаси	7883,1	932,3	5850,9	71,8	656,3	360,2	11,6	0,268	1,764
Қорақалпоғистон Республикаси	455,6	63,4	326,5	4,9	38,3	22,3	0,3	0,005	0,063
Андижон в-т	702,5	87	532,8	4,9	55,6	21,7	0,5	0,005	0,109
Бухоро в-т	434	56,8	313,6	3,7	38,6	20,9	0,4	0,007	0,098
Жиззах в-т	329,8	35,6	247,3	2,8	29,2	14,7	0,2	0,002	0,011
Қашқадарё в-т	757,5	68,6	601,4	4,4	64,5	18,4	0,3	-	0,003
Навоий в-т	230,2	29,3	171,2	2,4	15,5	11,6	0,2	0,001	0,024
Наманган в-т	628,7	79	474,3	5,6	52,8	16,7	0,3	0,004	0,045
Самарқанд в-т	886,3	79,3	683,5	8,1	79,4	34,9	1,1	0,016	0,187
Сурхондарё в-т	583,5	41,3	472,3	2,4	52,2	15,1	0,1	0,002	0,019
Сирдарё в-т	199,9	24,9	148,8	2,3	17	6,8	0	0,028	0,028
Тошкент в-т	628,4	81	479	2,8	50,5	14,9	0,3	0,026	0,119
Фарғона в-т	850,8	117,2	627,7	5,4	72,9	27,2	0,4	0,011	0,042
Хоразм в-т	442,6	44,9	341,3	3,9	39	13,4	0,2	0,002	0,046
Тошкент ш.	753,3	124	431,3	18,1	50,9	121,6	7,4	0,159	0,97

*Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. “2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари”. – Тошкент 2019 (2019 йил 1 январь ҳолатига).

1992-2012 йилларда фан доктори ва фан номзоди, 2013-II.2017 йилларда фан доктори (DSc), II.2017-VIII.2019 йилларда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларида тасдиқланганлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Фан тармоғи	1992-2012 йй.		2013-2017 йй	2017-2018 йй.		2019 й.	
		Шундан		DSc	шундан		шундан	
		Фан доктори	Фан номзоди		DSc	PhD	DSc	PhD
1	Физика-математика	204	784	26	34	66	19	39
2	Кимё	92	391	18	19	47	8	20
3	Биология	169	685	25	22	61	12	37
4	Геология-минералогия	34	114	2	10	7	3	16
5	Техника	305	1546	108	83	216	41	132
6	Қишлоқ хўжалик	102	554	34	37	108	11	47
7	Тарих	146	533	4	13	39	5	34
8	Иқтисодиёт	206	1274	21	34	83	21	67
9	Фалсафа	95	302	2	6	37	2	22
10	Филология	151	1011	20	30	131	11	70
11	География	19	124	1	4	14	2	6
12	Юридик	115	601	15	17	26	19	19
13	Педагогика	107	822	9	16	91	6	69
14	Тиббиёт	578	3200	84	117	147	34	99
15	Фармацевтика	19	108	11	2	9	2	5
16	Ветеринария	11	66	6	8	-	1	-
17	Санъатшунослик	31	83	-	1	6	1	8
18	Архитектура	8	33	-	1	8	2	-
19	Психология	11	165	1	2	20	4	4
20	Социология	5	31	1	2	4	-	2
21	Сиёсий	-	141	-	6	16	2	9
22	Исломшунослик	-	-	-	2	-	-	-
Жами		2408	12568	388	466	1136	206	705

Ўзбекистон Республикаси 33 миллиондан ортиқ аҳолисининг меҳнатга лаёқатли қисми минг кишида - (16-54 ёш) 18151,8 (55%)ни, мактабгача таълим ёши - (3-6 ёш) 2712,1 (8%), мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежи таълими ёши - (7-18 ёш) 6783,9 (20%) ва олий таълим - (19-30 ёш) 7331,5 (22%) ташкил этади[7].

Малакали меҳнат ресурслари Республикамиздаги мавжуд узлуксиз таълим-тарбия тизимида шаклланади. 2019 йил 1 январь ҳолатида Республика мактабгача таълим ёшидагиларининг 35% мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган. Худудлар кесимида ушбу қийматлар тақсимооти қуйидагича: Тошкент шаҳри 74 %, Қорақалпоғистон Республикасида 41 %, вилоятлар кесимида эса Фарғона 40 %, Бухоро 39 %, Навоий ва Сирдарё 38 %, Тошкент 37 %, Жиззах 32 %, Хоразм 30 %, Самарқанд ва Қашқадарё 24 %, Сурхондарё 18 %га тенг. Республика ёшларининг таълим муассасалари ва олий таълимдан кейинги таълим институтларида худудлар кесимидаги тақсимооти 1-жадвалда келтирилган.

Сўнгги икки, уч йилда умуммиллий бойликнинг ажралмас қисми ҳисобланган инсон капитали ривожига эътибор кучайди. Ижтимоий ҳимоя, инсон саломатлиги, оилавий муносабатларни яхшилаш, маҳалла институтлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда таълим-тарбия тизимидаги туб бурилишлар шулар жумласидандир.

Илмий нашрлар ва улардаги Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда шуни қайд этиш мумкинки, инновацион жараёнларнинг ривожини институционал интеграциялашган тузилма доирасида амалга оширилади. Бу тузилма сифатида миллий инновацион тизим (МИТ) хизмат қилади, МИТ концепцияси 1990 йилларнинг бошида пайдо бўлган, унинг асосчилари К.Фриман, Р.Невсин ва Б.А.Лундвеллардир [8-10]. Янги назарияни бирлаштирувчи ва амалга оширувчи бу иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш бўйича таклиф – янги йўналишнинг шаклланишига муҳим бир асос бўлиб хизмат қила олишини қайд этиш мумкин. Бу инновацион иқтисодни ривожига институционал тузилмаларнинг ўзаро алоқалари туфайли пайдо бўладиган “синергетик эффект”дир.

Кадрлар тайёрлашда сифатга, худудий жиҳатларга эътибор ошди, бунда иқтисодий механизмни такомиллаштириш, таълим муассасалари билан иқтисодиёт тармоқлари-

нинг ўзаро ҳамкорлиги асосида кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш, “Кадрларни мақсадли тайёрлаш”, ишлаб чиқаришнинг мавжуд муаммоларини илмий-тадқиқотлар натижасида ҳал этиш тизимига алоҳида эътибор берилиши кун тартибига қўйилди [11-16].

Мамлакатимизда олий таълим тизимининг такомиллашуви билан бир қаторда олий ўқув юртидан кейинги таълимга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу тизим ўзига хос ривожланиш тарихига эга бўлиб, 1992-2012 йилларда икки поғонали (фан доктори ва фан номзоди), 2013-2017 йилларда бир босқичли (фан доктори) ва 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб яна ҳозирга қадар икки поғонали (фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD)) тизимида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси маълумотларига кўра фан тармоқлари бўйича 1992-2012, 2013-2017, 2017-2018 ва 01.08.2019 йилларда Республикада илмий даража олганларнинг тақсимооти қийматлари 2-жадвалда келтирилган.


1992-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан фан доктори ва фан номзодлари илмий даражасида тасдиқланган фан тармоқлари кесимидаги тақсимооти диаграммаси келтирилган (2-расм).

Ушбу кўрсаткичларда жами 14976 та илмий даража олганлардан 2408 (16%) нафари фан доктори, 12568 (84%) фан номзодлари. Фан тармоқлари бўйича барча илмий даража олганларнинг тақсимооти қуйидагича: тиббиёт – 3778 (25%), техника – 1851 (12,4%), филология – 1162 (7,8%), иқтисодиёт – 1480 (9,9%), физика-математика – 988 (6,6%), педагогика – 929 (6,2%), биология – 854 (5,7%), юридик – 716 (4,8%), тарих – 679 (4,5%), қишлоқ хўжалиги – 656 (4,4%), фалсафа – 397 (2,6%), психология, география, геология-минералогия, фармацевтика, сиёсат – (1%) атрофида, санъатшунослик, ветеринария, архитектура, социология – (0,25-0,75%), исломшунослик – (0).

Мазкур илмий даражаларнинг фан ва олий таълим муассасаларида шакллантирилган илмий мактаблари асосида кейинги йилларда ҳам илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш давом эттирилди. 2013-01.08.2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий

аттестация комиссияси томонидан фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган фан тармоғлари


кесимидаги тақсимот диаграммаси келтирилган (3-расм).



2-расм. 1992-2012 йилларда фан доктори ва фан номзодлари илмий даражасида тасдиқланган мутахассисларнинг фан тармоқлари бўйича тақсимланиши

Ушбу кўрсаткичларда жами 2901 та илмий даража олганлардан 1060 (36%) нафари фан доктори (DSc), 1841 (64%) фалсафа доктори (PhD). Фан тармоғлари бўйича барча илмий даража олганларнинг тақсимооти куйидагича: техника – 580 (28%), тиббиёт – 481 (16,6%), филология – 262 (12,5%), қишлоқ хўжалиги – 237 (8%), иқтисодиёт – 226


(7,8%), педагогика – 191 (6,6%), физика-математика – 184 (6%), биология – 157 (5,4%), кимё – 112 (3,8%), юридик – 96 (3%), тарих – 95 (3%), фалсафа – 69 (2,4%), геология-минералогия, психология, география, фармацевтика, сиёсат – (1%) атрофида, санъатшунослик, ветеринария, архитектура, социология – (0,25-0,75%), исломшунослик – 2 (0,07%).



3-расм. 2013-01.08.2019 йилларда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган мутахассисларнинг фан тармоғлари бўйича тақсимланиши

2901 нафар илмий даража олганларнинг Тошкент шаҳри – 281(68%), Самарқанд вилояти – 214 (10%), Қорақалпоғистон Республикаси – 102 (5%), Андижон ва Бухоро вилоятлари – 3%дан, Наманган ва Фарғона вилоят-


лари – 2,5%дан, бошқа вилоятларга эса ундан кичик хиссаси (4-расм) тўғри келади. Айнан шу кўрсаткичлардаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) хиссаси гистограммада (5-расм) келтирилган.




4-расм. 2013-01.08.2019 йилларда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган мутахассисларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

2598 нафар илмий унвон олганларнинг Тошкент шаҳри – 1753 (67%), Самарқанд вилояти – 179 (7%), Қорақалпоғистон Республикаси – 105 (4%), Андижон – 87 (3,3%), Фарғона – 75 (3%), Бухоро – 72 (2,7%), Қашқадарё – 63 (2,4%), Наманган – 55 (2%), Тошкент ви-

лоят – 49 (1,9%), Хоразм – 42 (1,6%) ва бошқа вилоятларга эса ундан кичик кўрсаткичлар (6-расм) хиссаси тўғри келади. Айнан шу кўрсаткичлардаги профессор, доцент ва катта илмий ходим **хиссаси** гистограммада (7-расм) келтирилган.



5-расм. 2013-01.08.2019 йилларда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланган мутахассисларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши




- Қорақалпоғистон Республикаси
- Жиззах вилояти
- Наманган вилояти
- Сурхондарё вилояти
- Хоразм вилояти
- Андижон вилояти
- Қашқадарё вилояти
- Самарқанд вилояти
- Тошкент вилояти
- Тошкент ш.
- Бухоро вилояти
- Навоий вилояти
- Сирдарё вилояти
- Фарғона вилояти
- Чет элда

6-расм. 2013-01.08.2019 йилларда профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонида тасдиқланган мутахассисларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

Юқоридаги таҳлиллар инсон капиталига асосланган инновацион иқтисодиётни шакллантиришда илм-фан ва таълимга бош устувор йўналиш сифатида қараш, соҳалар ташкил этувчилари (фан, олий таълим ва ишлаб чиқариш) интеграциялашувини чуқур-

лаштириш, инвестицион жараёнларни янада жадаллаштириш ва инновацион муҳитни яратиш, илмий-тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва яратувчанликни рағбатлантириш мақсадлилигини кўрсатади.



7-расм. 2013-01.08.2019 йилларда профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонида тасдиқланган мутахассисларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

Бунда академик фан, олий таълимдаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, соҳалар ташкил этувчиларининг тугал интеграциялашуви, соҳалараро ички ва ташқи интеграциялашув билан инновацион бошқарув ва инновацион ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлган кадрлар тайёрланишига эришиш енгиллашади.

Соҳа ва фан йўналишларида инновациялар яратиш ва уларнинг кенг жорий этилиши учун ташкил этувчиларининг интеграциялашуви шериклар ҳар бирининг куйидаги мақсадларга эришишини назарда тутати:

инновацияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишда шериклар ресурс ва бошқа имкониятларидан самарали фойдаланиб, ўз салоҳиятини ошириши;

интеграциялашган тузилманинг инвестициявий жозибадорлигидан фойдаланган ҳолда учинчи томоннинг молиявий ва бошқа ресурсларига эга бўлишининг таъминлаши.

Хулоса қилиб айтганда, соҳалар ташкил этувчилари интеграциялашувини кучайтириш, жамиятда инновацион муҳит яратиш, миллий узлуксиз таълим-тарбия тизимида инсон капиталининг ривожланишига асосланган иқтисодий шакллантиришга хизмат қилувчи МИТ фақат жамоавий уйғунлашув билан пайдо бўлади. МИТ янги билимларни яратиш, ривожлантириш, сақлаш ва тарқатиш, уларни технология, маҳсулот ва хизматларга айлантириш бўйича фаолиятни мамлакат ҳудудларида амалга оширадиган давлат, хусусий, ижтимоий ташкилотларнинг ўзаро жамоавий ҳаракатларининг мажмуаси

бўлиб хизмат қилади. Унда иқтисодий тармоқлари ёки соҳалар бўйича асосий вазифалар бош “ижрочи”лар ролини бажарувчи(соҳа ташкил этувчиларисиз: шу соҳа олий таълим мутахассислик кафедралари, академик фандаги лабораториялари, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда бизнес вакиллари) ҳамкорликдаги фаолиятни уйғунлаштирувчи давлат ва хўжалик органларини аниқлаш, уларнинг инновацион соҳадаги роли, вазифаларини белгилаш ҳамда бажарилаётган ишларни Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги устуворликлар билан мувофиқлаштириб олиб бориш бугунги кун талабидир.

Соҳа ташкил этувчиларининг фаол ҳамкорлиги, яъни тугал интеграциялашувда шу соҳанинг муаммолари теран англанади. Инновацион тафаккурнинг шакллантирилиши билан инновацион муҳит пайдо бўлади, муаммо – илмий ғоя – интеллектуал мулк объекти – янги ишланманинг жорий этилиши тизими ишлайди ва соҳа ҳамда ҳудудлар ривожланиши жадаллашади. “Илм орқали билим” тамойили қонуниятига кўра инновацион ишланмалар яратилади, уларнинг ҳудудлардаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарига кириб бориши жадаллашади. Турмуш тарзимида жадал кириб келаётган кластерлар эса ягона занжирдаги турли соҳаларни ўзида мужассамлаштирганлиги туфайли соҳа ва соҳалараро ички, ташқи интеграциялашувни кучайтиради ҳамда инновацион муҳит ва инновацион тафаккурни янги босқичга кўтаради.

Манба ва адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017 й.
2. Основные макроэкономические тренды Узбекистана. Информационно-аналитический обзор. Институт прогнозирования и макроэкономических исследований. Министерство экономики и промышленности. – Ташкент: 2019 г.
3. <http://istiqlol.samdu.uz/uzl/xxi/4>
4. <http://hdr.undp.org/sites/default/files/Country-Profiles/UZB.pdf>
5. Корчагин Ю.А. Российская газета [Электронный ресурс]. Ю.А.Корчагин. – Режим доступа: <http://www.rg.ru/2012/01/10/zakony.html>
6. Доклад о развитии человеческого потенциала в Российской Федерации за 2011 г. / М.: Весь Мир, 2011 г. – 150с.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “2018 йилда Ўзбекистон республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг кўрсаткичлари”. –Тошкент: 2019 (2019 йил 1 январь ҳолатига).
8. Altbach P.G., Peterson P.M. Higher Education in the New Century // Global Challenges and Innovative Ideas. – Rotterdam: Sense Publishers, 2007. –pp.61-65.
9. Федоров М.В., Пешина Э.В. современные концепции управления знаниями //Стратегическое управление университетом. – 2012. -№3 (79). – С. 6-12.
10. <http://www.iqtisodiyot.uz>
11. Кадыров А.А. Национальные инновационные системы и их региональные аспекты. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2011г. – 192 с.
12. Рахимов Ф.Х., Дусмухамедова М.Х. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигидаги инновациялар ворисийлик сифатида. Замонавий таълим. 2015й. №10, 12-19 б.
13. Усмонов Б.Ш., Рахимов Ф.Х., Дусмухамедова М.Х. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва инновацион ҳамкорлик. – Т.: “Adabiyot uchqunlari”, 2017 й. 75 б.
14. Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли. – Т.: “Фан ва технология”, 2015 й.
15. <http://www.sapub.org/journal/archive.aspx?journalid=1041&issueid=3770>.
16. М.А.Рахматов, Б.З.Зарипов. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Русола. –Т.: “Zamin Nashr”, 2018.